

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 6

Самарканд шаҳри

«28» «январ» 2022 йил

"SHAMMS ZIYO 777" MCHJ кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи директор Исмоилов А.Ш, номидан бир томондан ва Республика ихтисослаштирилган Онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарканд филиали, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи (рахбар, бош врач) Улмасов Ф.Г. номидан иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1 ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига ўз вақтида сифатли қилиб етказиб бериш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (маҳсулотлар) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси	ККС ставкаси	ККС ставкаси билан сумма
1	Перегидроль (перекись водород) 33-40%	кг	150	19500	2925000	ККСсиз	2925000
2	ЭКСТРАДИН 0,5 л (концентрат)	шт	10	152000	1520000	ККСсиз	1520000
3	АБК-ЭКСТРА 0,5 л (концентрат)	шт	10	79000	790000	ККСсиз	790000
	Жами:				5235000		5235000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 5235000 (Беш миллион икки юз уттиз беш минг) сум ни ташкил қилади.

2 ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани ғазначилик органида рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 30 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 7 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3 ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари: Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни бегараз бартарф этиш;

- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 3 кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартарф этиш.